

ШАРТНОМА № 18

30.06.2022 йилдаги №111607-сонли лотга асосан
(ЭКСКАВАТОР ВОСИТАСИ ИЖАРАСИ ТЎҒРИСИДА)

“ 01 ” июл 2022 йил

Фарғона шаҳри

“Фарғона туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси” номидан корхона устави асосида иш юритувчи раҳбар А.Зикрияев (кейинги ўринларда «БУЮРТМАЧИ» деб юритилади) бир томондан ва ЕСО УО'Л ТА'MIR SIFAT МЧЖ номидан ўз устави асосида иш юритувчи раҳбар Т.Махмудов (кейинги ўринларда «БАЖАРУВЧИ» деб юритилади) иккинчи томондан бўлиб куйидаги шартномани туздилар;

1. Шартнома мазмуни

1.1. «БУЮРТМАЧИ», «БАЖАРУВЧИ» га Экскаватор техникаси ижараси учун буюртма беради, «БАЖАРУВЧИ» эса буюртмага биноан Экскаватор техникаси билан таъминлайди.

2. Томонлар мажбуриятлари

2.1 Томонлар шартномани амал қилиш даврида куйидаги мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олади.

а) «БАЖАРУВЧИ» «БУЮРТМАЧИ»нинг буюртмасига асосан техник жихатдан соз машина-механизм воситаси билан таъминлайди;

б) «БАЖАРУВЧИ» ишларни бажариш даврида техника ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига тўла жавоб беради;

г) «БАЖАРУВЧИ» бажарилган ишлар бўйича бирламчи хужжатларни дарҳол расмийлаштириб, «БУЮРТМАЧИ» га тақдим этади;

д) «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ» томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширади.

д) «БАЖАРУВЧИ» буюртмани ўз вақтида ва сифатли бажариб беришни кафолатлайди.

е) «БАЖАРУВЧИ» нинг машина-механизмларга «БУЮРТМАЧИ» томонидан қуйилган ёқилги ва мойлаш махсулотлари суммаси «БАЖАРУВЧИ» кўндирадиган ҳисоб-варақ фактурада чегириб ҳисоб-китоб қилинади.

ё) «БАЖАРУВЧИ» нинг машина-механизмларига «БУЮРТМАЧИ» томонидан эҳтиёт қисмлар етказиб берилса у ҳолда «БАЖАРУВЧИ» алоҳида ҳисоб-варақ фактура орқали ёздириб олади.

ж) «БУЮРТМАЧИ» машина-механизмдан фойдаланиб бўлгандан сўнг дарҳол ушбу машина-механизмни «ИЖАРАГА БЕРУВЧИ»га қайтаради.

3. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

Хизмат тури	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	ҚҚС билан	Сумма
Экскаватор хизмати	сўм	1	78 260 869,56	90 000 000	90 000 000

3.1 Шартномага асосан кўзда тутилган хизматларнинг қиймати 90 000 000 (Тўқсон миллион) сўмни ташкил этади;

3.2. «БУЮРТМАЧИ», «БАЖАРУВЧИ» га шартнома тузилган пайтдан бошлаб 3 (уч) кун муддат ичида олдиндан шартнома қийматининг 30 % микдорида пул ўтказиб беради. Шартнома қийматининг қолган қисми ишлар бажарилиб «БУЮРТМАЧИ» қабул қилиб олгандан сўнг тўлаб берилади.

3.3 Шартнома қиймати очик ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган норматив хужжатларга асосан ўзгариши мумкин.

3.4 «БАЖАРУВЧИ» ҳисобот ойининг 28 санасигача ҳисоб-фактура орқали кўрсатилган машина-механизм хизматини «БУЮРТМАЧИ»га тақдим қилади, «БУЮРТМАЧИ» тўлов хужжатларини қабул қилиб олгандан кундан тўловларни амалга оширади;

3.5. Томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни ҳар чорақда солиштириш далолатномасига асосан текшириб борилади;

5. Томонларнинг жавобгарликлари ва низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда «БАЖАРУВЧИ», «БУЮРТМАЧИ» кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ» га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.4. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномвий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунда ва бошқа қонунчилик хужжатлари билан тартибга солинади.

5.5. Тарафлар ўртасида вужудга келган ва келишув асосида ҳал қилиб бўлмаган барча низолар туманлараро иктисодий суди орқали ҳал этилади.

6. Шартноманинг амал қилиниши

6.1 Шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

6.2 Шартноманинг кучини йўқотиши ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятлар бўйича эътирозларни низога етказиб, хал қилиш учун таъсир қилмайди.

6.3 Шартномани ўзгартириш, қўшимча киритиш томонларнинг ўзаро келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади.

7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

7.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8. Шартноманинг бекор қилиниши

8.1 Мазкур шартнома қуйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:

- Мажбуриятлар тўлиқ бажарилганда;
- Тарафларнинг келишувига кўра .

9. Бошқа шартлар.

9.1. Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларда бир нусхадан сақланади.

10. Томонларнинг манзилгоҳлари ва банк реквизитлари.

« БУЮРТМАЧИ »

Фарғона туман йўллардан фойдаланиш
унитар корхонаси

Фарғона шаҳар, Мустақиллик №350-г уй
Банк: ТИФ "Миллий банк" Фарғона бўлими
х/р 22626000800210835002,
МФО: 00493
ИНН: 200197217, ОКЕД: 42110

Директор:  А.Зикрияев

М.ў.



Юриск.



« БАЖАРУВЧИ »

ЕСО YO'L TA'MIR SIFAT МЧЖ

Фарғона шаҳар, Мустақиллик №310-а уй
Банк: АТБ Универсал банк Фарғона филиали
х/р 20208000605510616001
МФО: 01131
ИНН: 309426499

Директор:  Т.Махмудов

